

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Транспорт факултети

Ер усти транспорт тизимлари кафедраси

Рул бошқармаси мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологиясини қўллаш (Автомобил тузилиши фани мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТУШУНТИРУВ ЁЗУВИ

35-КТТВИТ-14 гуруҳи талабаси Парпиев Фаррух

Раҳбар: Болтаева М.

Маслаҳатчи:

Наманган -2018

Битирув малака иши _____ варақ тушинтириш ёзуви ва 5 варақ чизмадан иборат бўлиб, умумий, асосий, ўқитиш методикаси, иқтисодий, меҳнат муҳофазаси қисмларидан, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малака ишини чизма қисмида Рул бошқармаси мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологиясини қўллаш мавзуси бўйича талабанинг ишланмалари асосидаги чизмалар.

Битирув малака ишини умумий қисмида касб ҳунар коллежининг қисқача тавсифи, малака тавсифи ва битирув малака иши мавзусини асослаш берилган. Асосий қисмида фанни тавсифи, фанлараро боғланишлар мавзунинг услубий ва техник таъминоти анъанавий дарс ўтишни қисқача баёни, фанни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш, инновацион таълим технологиясини жорий этишда билим олишнинг интеллектуал ресурсларини қўллаш, дарс материали берилган.

Ўқитиш методикаси қисмида рул бошқармаси мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологияларини қўлланилган. Битирув малака ишини иқтисодий қисмида таклиф этилган услубни афзаллиги ва уни ўқувчиларни билимини оширишдаги самарадорлиги аниқланган Меҳнат муҳофазаси қисмида тажриба ва амалий машғулот хонаси учун хавфсизлик техникаси берилган.

Мундарижа

Кириш

1. Умумий қисм
- 1.1 **Наманган давлатобод енгил саноат касб-ҳунар коллежи тавсифи**
- 1.2 Малака тавсифи
- 1.3 Битирув малака иши мавзусини асослаш
2. Технологик қисм
- 2.1 Автомобиллар тузилиши фанини тавсифи
- 2.2 Фанлараро боғланишлар
- 2.3 Мавзунинг услубий ва техник таъминоти
- 2.4 Анъанавий дарс ўтишнинг қисқача баёни ва уни замонавий дарс ўтиш усуллари билан қиёслаш
- 2.5 Автомобиллар тузилиши фанини ўқитишда инновацион технологиялар
- 2.6 Инновацион таълим технологиясини жорий этишда билим олишнинг интеллектуал ресурслари
- 2.7 Рул бошқармаси бўйича дарс материали
3. Асосий қисм
- 3.1 Рул бошқармаси мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологиясини қўллаш
- 3.1.1 Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари
- 3.1.2 Технологик карта ўқув жараёнини лойиҳалаштиришнинг асоси
- 3.2 Рул бошқармаси мавзусига технологик харита
- 3.3 Рул бошқармаси мавзусини ўқитишда дидактик ўйинли машғулотлар
4. Иқтисодий қисм
- 4.1 Педагогик тажриба ва унинг натижалари
5. Меҳнат муҳофазаси қисми
- 5.1 Автомобилларни рул бошқармасига хизмат кўрстишда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кирриш

So'nggi yillarda respublika iqtisodiyoti va aholisiga avtotransport xizmati ko'rsatishni yaxshilash bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirilganligi qayd etilsin. Yo'lovchi tashish yo'nalishlari tarmog'i 2006 yilga nisbatan 1,4 baravarga ortdi, respublikada 117 ta yo'lovchi avtovokzali va avtostantsiyasi faoliyat ko'rsatmoqda, tashuvlar xavfsizligini ta'minlash bo'yicha chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

SHu bilan birga avtotransport xizmatlari sohasini jadal rivojlantirishning mavjud imkoniyatlari va zaxiralaridan to'liq foydalanilmayapti. Avtotransport ho'jaliklarini modernizatsiya qilish zamonaviy talablar darajasida emas, sohada ilg'or axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va intellektual transport tizimlari yetarli darajada joriy etilmayapti. Og'ir yuk tashuvchi avtotransport vositalarining harakatdagi tarkibi parking eskirganligi yuqoriligicha qolmoqda. Mamlakatning avtotransport xizmatlari eksporti va tranzitini oshirish salohiyatining imkoniyatlari va zaxiralaridan to'laqonli foydalanilmayapti.

Tashish jarayonlari, qatnov jadvallariga rioya etilishi, yo'lovchilar tomonidan yo'l haqini elektron tarzda to'lash samaradorligi, tushumning yig'ilishi va to'laligi ustidan markazlashtirilgan dispetcherlik boshqaruvi va nazorati tizimi mavjud emas. O'zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi amalga oshirayotgan ishlar mintaqalardagi yo'lovchi transportini boshqarish bo'yicha maxsus vakolatli organlar tomonidan deyarli takrorlanmoqda.

Davlat dasturida nazarda tutilgan tadbirlarni amalga oshirish uchun mas'ul davlat organlari va tashkilotlar:

Eng avvalo, zamonaviy ishlab chiqarishni joriy etishga mo'ljallangan innovatsion g'oyalar hamda texnologiyalar, faol tadbirkorlikni har tomonlama qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirishga;

Xududlar ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatining barqaror o'sishi va aholining hayot darajasi hamda farovonligini oshirishga ko'maklashuvchi fan va innovatsion faoliyatni jadal rivojlantirish uchun zarur shart sharoitlarni yaratishga;

Ilg'or fikirlaydigan, tashabuskor va mas'uliyatli xodimlar hamda fuqarolarni har tomonlama amaliy qo'llab – quvvatlashga;

“Har bir davlat xizmatchisi har kuni o'zining mehnati bilan egallab turgan lavozimiga loyiqqligini isbotlash shart” degan qoidani ro'yobga chiqarishga alohida e'tibor qaratildi.

Ma'lumki, taraqqiyotni harakatga keltirish va turmushda ro'y berayotgan jarayonlarga o'z ta'sirini o'tkazishda jamiyat ijtimoiy - siyosiy, iqtisodiy, madaniy-ma'naviy yangilanishining muhim sub'ekti bo'lgan yoshlarni barkamol shaxs qilib tarbiyalash masalasi muhim ahamiyatga ega.

Hozirgi zamonaviy bosqichda pedagogik dolzarb vazifalarga fan, texnika, ilg'or texnologiyalar yutuqlaridan foydalanish asosida shaxsni tarbiyalash, o'qitish va rivojlantirish maqsadlari, mazmuni, metodlari, vositalari va tashkiliy shakllarini ilmiy ta'minlash kiradi. Kadrlar tayyorlash sohasidagi davlat siyosati uzluksiz ta'lim tizimi orqali har tomonlama rivojlangan shaxs - fuqaroning tashkil topishini ko'zda tutadi. Bu ushbu ta'lim tizimida va kadrlar tayyorlashda ta'lim xizmatlarining iste'molchisi, buyurtmachisi sifatida va xuddi shunday ishlab chiqaruvchi sifatida ishtirok etadi.

Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zaruriyati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Respublikamizda “Ta'lim to'g'risidagi” gi Qonun va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” ning qabul qilinishi bilan uzluksiz ta'lim tizimi orqali zamonaviy kadrlar tayyorlashning asosi yaratildi.

Ta'limning bugungi vazifasi o'quvchilarni kun sayin takomillashib borayotgan axborot-ta'lim muhiti sharoitida mustaqil ravishda faoliyat ko'rsata olishga,

axborot oqimidan oqilona foydalanishga o'rgatishdan iboratdir. Buning uchun, ularga uzluksiz ravishda mustaqil ishlash imkoniyati va sharoitini yaratib berish zarur.

O'zbekiston Respublikasi demokratik, huquqiy va fuqarolik jamiyatini qurish yo'lidan borayotgan bir paytda ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh maqsadi va harakatga keliruvchi kuchi har tomonlama rivojlangan barkamol insonni tarbiyalashdan iboratdir.

Mamlakatimiz rivojlanishining muhim sharti zamonaviy iqtisodiyot, fan, madaniyat, texnika, texnologik rivoj asosida kadrlar tayyorlashning takomillashgan tizimini amal qilishiga erishishdir.

Bitiruv malakaviy ishida mavzuni hal etish uchun quyidagi tadbirlar amalga oshiriladi: bitiruv ishi mavzusining asoslanishi va uning dolzarbligi, bitiruv ishining ob'ekti va predmeti, bitiruv ishining maqsadi va vazifalari, mavzu bo'yicha adabiyotlar, me'yoriy hujjatlar sharhi (tahlili), natijalarning amaliyotga joriy etilish qo'lami, ahamiyati, amaliy va empirik tadqiqotlar natijalarining tahlili, o'quv, o'quv-uslubiy, ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-tadqiqot faoliyatini tashkil etish va boshqaruvning zamonaviy uslublari sohasidagi so'nggi yutuqlar va ularning tahlili, yuqori samarali zamonaviy ta'lim va innovatsion texnologiyalar, ilg'or xorijiy tajribalarni, shuningdek, global Internet tarmog'i, multimedia tizimlari va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini oliy ta'lim jarayonlariga faol tadbir etish yo'llari ko'rsatildi.

1.1. Наманган давлатобод енгил саноат касб-хунар коллежи тавсифи

1.2. Малака тавсифи

Hozirgi kunda kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirishda jarayonida tayyorlanayotgan mutaxassislar zamon talablariga mos bo'lishlari shu bugunning talabi. Kasb-xunar kollejlari avtomobillarga texnik xizmat kursatish texnik-mexanik bo'yicha kichik mutaxassisliklarini tayyorlash muxim ahamiyatga egadir.

Respublikamizdagi kasb-xunar kollejlari avtomobil transport vositalariga xizmat ko'rsatish bo'yicha quyidagi:

Tayyorlov yo'nalishi: Avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish texnik-mexanik

Yuk tashishni tashkil etish va avtomobil xarakatini boshqarish

Kasbi: Avtotransportlarni ishlatish va ta'mirlash bo'yicha usta.

Yuk tashishni tashkil etish va avtomobil xarakatini boshqarish

Mutaxassisliklar:

- Avtotransport vositalarini texnik xizmat kursatish buyicha chilangar
- Avtomobillar texnik xolatini diagnostika qilish buyicha texnik
- Avtomobillar elektr jixozlariga texnik xizmat kursatish buyicha elektr chilangar
- «V» va «S» toifali haydovchilar tayyorlanmoqda.

Avtomobillarga texnik xizmat kursatish texnik-mexanik yo'nalishining qo'llanish sohasi va vazifasi. Ushbu yo'nalish bo'yicha Davlat va nodavlat avtokorxonalar uchun avtomobillarni ishlatish, texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ishlarini bajaradigan kichik mutaxassisliklar tayyorlanadi.

Avtomobillarga texnik xizmat kursatish texnik-mexanik yo'nalishi bo'yicha tayyorlangan kichik mutaxassis mehnat bozorida quyidagi lavozimda faoliyat ko'rsatadi:

- Transport vositalarini ishlatish va ta'mirlash bo'yicha chilangar;
- Avtomobillarni elektr jixozlarini ta'mirlash elektrigi;
- «V», «S» toifali haydovchi.

Standartda belgilangan zarur va etarli mazmuni, kasbiy ta'lim dasturlarini muvaffaqiyatli o'zlashtirgan shaxslarga kichik mutaxassis malakasi beriladi.

Kasbiy ta'limni chuqurlashtirish maqsadida kadrlar malakasini oshirish tizimida, tarmoq o'quv muassasalarida va maxsus kurslarda keyinchalik malakani oshirish amalga oshiriladi.

Oliy o'quv yurtlarida kasbiy faoliyatni mazkur sohasida yanada yuqoriroq malakaga erishiladi.

Ushbu tayyorlov yo'nalishlari bo'yicha kichik mutaxassisliklar mehnat bozorida O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, o'rta maxsus kasb-hunar ta'lim Markazi, Mehnat vazirligi hamda Moliya vazirliklari tomonidan tasdiqlangan «O'rta maxsus, kasb-hunar o'quv muassasalari bitiruvchisining faoliyati yo'nalishlari egallagan kasblari, lavozimlari tarif razryadlarining oralig'i» me'yoriy hujjat asosida quyidagi lavozimlar bo'yicha keltirilgan tarif razryadlari bo'yicha ishlashlari mumkin: transport vositalarini ishlatish va ta'mirlash bo'yicha chilangar 3-6 tarif razryadi; elektrik va «V» hamda «S» toifali haydovchilar.

1.3. Битирув малака иши мавзусини асослаш

Касб-хунар коллежларининг ҳар бир мутахассисликлари учун, айниқса, касбий фанлардан адабиётлар таъминоти ҳозирча талаб даражасида эмас. Касб-хунар коллежлари учун яратилаётган адабиётларнинг янги авлоди касб-хунар коллежларини таълим стандартлари талабларига тўла жавоб бериши лозим. Бундан ташқари республикада амалга оширилаётган «Таълим ислохотлари» ни ақс эттириш лозим. Яратилаётган адабиётлар ва ўқув қўлланмалари нафақат ўқувчилар аудиторияси учун, балки, ўқитувчилар учун ҳам мўлжалланган бўлиши лозим, яъни ўқитувчилар учун мавзуларни ва машғулотларни ўтишда лозим бўлган илғор услубий кўрсатмалар ҳам келтирилган бўлиши керак.

«Avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish texnik-mexanik» касби ва ҳайдовчилар тайёрлашда «Автомобиллар тузилиши» фани касби фанлардан бири ҳисобланиб, касбий кўникмалар ва билимларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозиргача бўлган даврда ўзбек тилида «Автомобил тузулиши назарияси» фани бўйича кўпгина дарслик ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқарилган, лекин бу асосан собиқ иттифоқ даврида чоп этилган адабиётни таржимасидир. Бунда фақат иттифоқ даврида ишлаб чиқарилган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ишлари баён этилган, ҳозирги кунда Ўзбекистон ишлаб

чиқарилган автомобилларни тузилиши ва уларни назарий асосларини ўрганиш кўпгина адабиётлар ёзилиб нашрга берилган. Лекин лотин имлосида адабиётлар етарли эмас.

Ҳозирги касб-хунар коллежларини моддий техник базасини янги ўқув жиҳозлари билан етарли даражада таъминланган деб ҳисоблаш мукин.

Касб-хунар коллежларида касбий фанлардан таълим берувчи ўқитувчиларни ҳам малакаси талаб даражасида деб бўлмайди. Касб-хунар коллежларидаги бу муаммоларни ечиш мақсадида таянч олий ўқув юртлари қошида ўқитувчиларни малакасини ошири курслари ва бўлимлари ташкил этилди. Бундай бўлимларни ташкил этиш кадрлар тайёрлар миллий дастурини сифат босқичини вазифаларини амалга оширишга қаратилган муҳим қадамлардан биридир.

Касб-хунар коллежларини педагоглари таълим стандартлари, ўқув режалари ва фаннинг намунавий дастури асосида фаннинг ҳар бир мавзусига бағишланган дарс машғулотларини аниқ мақсадлар асосида лойиҳалаш малакасига бўлиши лозим.

Ҳар бир фанни намунавий ва ишчи дастурлари асосида ҳар бир мавзуга бағишланган дарс машғулотларини олиб бориш жараёнини лойиҳаламасдан таълим жараёнини сифатини оширишни тасаввур қилиш мушкул.

Дарс жараёнини лойиҳалаш, яъни соддароқ қилиб айтганда режалаштириш, бу мавжуд адабиётлар, илмий техник журналлар ва ахборотлар, ўқув жиҳозлари, ўқитиш воситалари, кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқув ва таълим мақсадларига эришини энг самарали йўллари билан биридир.

Ҳозирги кунда дарс жараёнини режалаштиришга ва лойиҳалашга бағишланган кўплаб анжуманлар, ўқув курслари ташкил этилиб, ушбу анжуманлар материаллари асосида услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда ва таълим жараёнида кенг қўллашда фойдаланилмоқда. Жумладан касбий ва техника фанларидан маърузалар матни, ўқув қўлланмалар ва адабиётларни яратиш бўйича услубий кўрсатма ва қўлланмалар ишлаб чиқилди. Бироқ бундай қўлланма ва кўрсатмаларда техник фанларни ўзигша хос томонлари етарли даражада очиқ берилмаган ва ҳисобга олинмаган.

Таълим жараёнини сифатини белгиловчи ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун касбий фанларни ҳар бири бўйича илғор педагогик технологиялар асосида касбий фанни ўқитиш услубларига бағишланган адабиётларни яратиш ва уларни кўплаб нусхаларда чоп эттириш таълим жараёнида ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Битирув малака ишининг « Рул бошқармаси » мавзусини инновацион технологиялар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш бўлиб, юқорида келтирилган вазифаларни бажаришда бир кичик қадам бўлиб ҳисобланади деб ўйлаймиз.

«Автомобиллар тузилиши» фани автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш касби бўйича авточилангарлар ва ҳайдовчилар тайёрлашда асосий касбий фанлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу фанни ўқиш жараёнида ўқувчилар автомобил ва двигателларни тузилиши, вазифаси, ишлаш тамойиллари ва агрегат ва қисмларни ҳисоби бўйича касбий билим ва кўникмаларни эгаллайдилар.

Битирув малака ишининг асосий мақсади авточилангар ва ҳайдовчилар тайёрлашда «Автомобиллар тузилиши» фанининг аҳамияти, тутган ўрни, вазифаси ва мақсадларини, фанлараро боғланишларини ўрганиш ва уларни очиқ беришдан ҳамда « **Рул бошқармаси** » мавзуси асосида ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш ва мавжуд адабиёт ва қўлланмалардаги ушбу мавзу материалларини таҳлил қилишдан иборат. « **Рул бошқармаси** » мавзусини ўқитиш методикасини ишлаб чиқишда инновацион технологияларни қўллаш, асосий эътибор дарс жараёнини жиҳозланиши, дидактик материаллар, тавсия этиладиган адабиётлар, дарс жараёнини режалаштириш ва бошқа фанларда ўтиладиган мавзулар билан боғланишларига қаратилиб, мавзуда белгиланган таълимий, тарбиявий ва режалаштириш мақсадларига эришиш имкониятлари ёритиб берилади.

2.1. Автомобиллар тузилиши фанини тавсифи

Автомобиллар тузилиши фани « Avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish texnik-mexanik » бўйича ва ҳайдовчилар тайёрлаш ўқув режасини касбий фанлар блокига кирувчи асосий фанлардан бири ҳисобланади. Автомобиллар тузилиши фани ўқув жараёнида 2 курсда ўтилади. Фан **жами 62 соатга мўлжалланган бўлиб, шундан 14 соати** амалий машғулот учун ажратилган.

Фаннинг мақсади: «Автомобиллар тузилиши» фанининг дастурида "Автомобиллар тузилиши" асосларини ўрганиш кўзда тутилган.

Фанни ўрганиш: "Физика" («термодинамика асослари» мавзуси) назарий механика ва автомобилларнинг тузилиши фанларидан олинган билимларга асосланади.

Фанни ўргатишида: "Автомобилларга ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш", «Автомобил ва двигателларни таъмирлаш», "Йўл ҳаракати хавфсизлиги" фанларига узвий боғланиш зарур.

Фаннинг биринчи бўлимида ўқувчиларнинг эътибори ички ёнув двигателларида содир бўладиган жараёнларнинг маъносига, двигател ва автомобилларнинг мустахкамлиги, узоқ вақт ишлаши, тортиш қобилиятини ошириш, ёқилғи сарфини камайтириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини техникавий нуқтаи назардан ҳал қилишга қаратилиши керак. Ўқувчиларнинг "Автомобил ва двигателларни тузилиши" фанидан олган билимларни «Автомобил ва двигателлар назарияси» фанини ўрганиш билан кенгайтириш, чуқурлаштириш таъминлаш керак.

Фаннинг иккинчи «Автомобил назарияси» бўлимида автомобилларнинг эксплуатацион хусусиятлари: тортиш ва тормозлаш динамикаси, турғунлиги, бошқарувчанлиги, йўл тўсиқларидан ўтувчанлиги, равио юриши ва бошқалар. Бу хусусиятлар ўзаро боғлиқлиги, ҳаракат хавфсизлиги боғлиқлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Кўникма: *Фанни ўрганиш натижасида ўқувчилар қуйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак.*

- двигателларни ишлашини мустақил таҳлил қила олиш;
- двигателларни ҳар хил режимларда ишлаш тавсифларини олиш;
- автомобилларни тортиш-динамик ҳисобларини бажара олиш;
- тормозлаш динамикаси, турғунлиги, бошқариувчанлиги, йўл тўсиқларидан ўтувчанлиги, юриш равиолиги ва бошқа хусусиятларини ҳисоблай олиш;
- автомобилларни эксплуатацион хусусиятларини замонавий воситалар ёрдамида тажрибалар орқали аниқлай олиш.
- Ички ёнув двигателларида содир бўладиган жараёнлар;
- Қувват ва тежамкорлик кўрсаткичлари;
- Дизел ва карбюраторли двигателларда аралашма ҳосил қилиш;
- Двигателларни тавсифлаш;
- Кривошип ва шатун механизмларининг кинематикаси ва динамикаси;
- Автомобилнинг эксплуатацион хусусиятларини;
- Автомобиллар конструкциясини.

Ушбу фанни «Тормоз системаси» мавзуси 2 соатга мўлжалланган.

Ўқувчилар ушбу мавзунини ўтиш жараёнида ўқувчилар тормозлашдаги хавфсизлик ва тормоз моменти, автомобилнинг тормоз кучи, тормоз динамикасини баҳоловчи кўрсаткичлар; секинлашишдаги тормоз йўли, уларнинг боғлиқлик графиклари, тормоз йўлига таъсир этувчи омиллар, тормозловчи кучларни ўқлар бўйича тақсимланиши, тормоз усуллари, автотехник экспертиза (текшириш) ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

2.2. Фанлараро боғланишлар

Автомобиллар тузилиши фани «Avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish texnik-mexanik» бўйича ва ҳайдовчилар тайёрлаш учун мўлжалланган ўқув режасининг касбий фанлар блокига кириб, асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки ўқувчилар бу фанни ўрганиш жараёнида ҳақиқий касбий кўникмалар ва билимларга эга бўлишади. «Автомобиллар тузилиши» фани 2 босқичда ўрганилиб ўқув жараёнини тугалловчи асосий касбий фанларидан биридир.

Фанлараро алоқалар ўқитиш жараёнида ўрнатиладиган ёки ўқувчи онгида акс этган фанлар ўртасидаги ҳақиқий алоқаларнинг ифодаси сифатида қаралиши керак. Фанлараро алоқалар кўп қиррали, ўзига хос турли хусусиятларга эга бўлган ҳодисадир. Мазкур тушунча моҳиятининг бир қанча қарама-қарши изоҳлари мавжуд. Бу ўз навбатида барча ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарининг ҳамда пухта ўйланган дидактик усуллар системасининг мақсадга мувофиқ

ишлашнинг талаб қилади. Ушбу дидактик усуллар фанлараро алоқаларни ўқувчиларнинг онгига сингдиришга ёрдам беради.

Ўқитувчилар фанлараро алоқаларни кўп ҳолларда бошқа фанларни ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг олган билимларини «Автомобиллар тузилиши» фанини, яъни ўз фанини анча тўлиқ ва чуқур очиб бериш учун фойдаланиш омили сифатида тушунадилар. Фанлараро алоқаларни анча кенг маънода тушунмоқ керак: таълим берилаётган объект, билим олиши ва тарбиясига педагогик таъсир кўрсатилаётган ўқувчилар ўқув жараёнида қандай иштирок этишларига эътибор қаратмоқ зарур.

Шу нарса маълумки, бўлажак таъмирловчи чилангарларни ўқитишда техникавий чизмачилик, техник механика, умумий электротехника асослари, металллар технологияси, стандартлаштириш техник ўлчов асослари, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, автомобил корхоналари иш фаолиятини режалаштириш, уларни иқтисодиёти ва таҳлили, йўл ҳаракати қоидалари ва хавфсизлиги, автомобил тузилиши, автомобил ва двигателларга техник хизмат кўрсаиш, автомобилларда ишлатиладиган ашёлар, автомобил электр жиҳозлари, автомобил ва двигателларни таъмирлаш, бошқаришни автоматлаштирилган тизими ва автомобилларда ташиш фанларидан олинган билимлардан оқилона фойдаланмай туриб, автомобиллар ва двигателларни тузилиши, назарий асослари ўрганиш, материалларни кўр-кўрона ёдлаб олишдан воз кечиш, ўқув материалидаги сабаб ва оқибатларни мунтазам ёритиб бериш деярли мумкин эмас.

Фанлараро алоқаларни аниқ маъносини ўқув жараёнида фанлар ўртасида ва ўқувчилар онгида шаклландирган ҳақиқий алоқалар ифодаси сифатида тушунмоқ керак. Педагогик талаблар бирлигига ҳам фанлараро алоқалар мезони сифатида қараш лозим. Бунинг учун касб-хунар коллежида методик ишлар ёрдами билан бутун педагогик жамоа ишларини мувофиқлаштириш зарур. Бир-бирига яқин фанларда (Масалан, «Автомобил ва двигателларга техник хизмат кўрсаиш» ва «Автомобиллар тузилиши») бирор бир масалани, жумладан « илашиш муфтаси ҳамда илашиш муфтасига техник хизмат кўрсаиш ва таъмирлаш» мавзуларини бир вақтда ўрганишга тўқри келганда, мазкур фанларни ўқитувчилари методикани келишиб олишлари ва уларнинг ҳар бири мазкур масалани қайси томонига эътибор бериш лозимлигини аниқлаб олишлари лозим. Демак, фанлараро алоқалар дарсларда ўқувчиларнинг фаолиятини оширишга таълим беришда ижодкорликни ривожланишига ёрдам беради, ўқув материални такрорланишини олдини олади ва ўқув вақтини дастурда кўрсатилган материални ўрганиш учун тежайди.

Фанлараро алоқалар ўқувчиларни ақлий ўсиши учун муаммоли вазиятларни юзага келтириш ва уларни ҳал қилиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

2.3.Мавзунинг услубий ва техник таъминоти

Рул бошқармаси мавзусини дарс материали ўзбек тилида чоп этилган адабиётда мавжуд, бироқ бу адабиётда берилган материаллар фақат собиқ иттифокда чиқарилган автомобиллар тузилиши ва назарияси бўйича материаллар берилган. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва чет элдан олиб келиб фойдаланилаётган автомобилларга, жумладан таъминлаш тизимни (инжекторли тизим) тузилиши ва уларни назарий асослаш бўйича адабиётларда етарли маълумотлар берилмаган, бундан ташқари бу адабиётларни лотин имлоси билан нашр қилинганлари билан касб-хунар коллежлари тўла таъминланмаган. Шу сабабли дастурда келтирилган мавзунинг мазмуни ва таркибидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш мумкин:

1. С.М.Қодиров-Ички ёнув двигателлари. Тошкент.
2. С.Н.Богданов-Автомобильные двигатели.
3. С.М.Қодиров, М.О.Қодирхонов-Двигател ва автомобиллар назарияси. Тошкент.
4. В.А.Иларионов-Теория и конструкция автомобиля.

Юқорида келтирилган адабиётларни биринчиси «Ички ёнув двигателлари», бу адабиётда собиқ иттифок даврида ишлаб чиқарилган автомобиллар двигателларни ҳисоби берилган, бироқ ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни двигателларини тузилиши, ишлаш тамойили ва ҳисоби берилмаган. Масалан, собиқ иттифок даврида ишлаб чиқарилган бензинли двигателлар фақат карбюраторли бўлганлиги учун карбюраторли двигателларни тузилиши, вазифаси, ишлаш тамойили ҳақида маълумот берилган бўлиб, инжекторли тизим учун худди шундай маълумотлар берилмаган. Касб-хунар коллежлари учун мўлжалланган

«Автомобильные двигатели китобидаги маълумотлар фақат автомобиллар двигатели учун берилган, бундан ташқари рус тилида нашр қилинган.

Двигател ва автомобиллар назарияси дарслигида асосан иттифоқ даврида ишлаб чиқилган автомобиллар ва двигателларни тузилиши, ишлаш тамойили ва ҳисоби берилган. Дарсинг техник таъминотида Тормоз системаси бўйича слайдлар плакатлар ва видеолавҳалардан фойдаланилади.

Кўргазмали қуроллар бўлмаган тақдирда адабиётлардан фойдаланиб қўлда тайёрлаш мумкин.

2.4. Анъанавий дарс ўқишнинг қисқача баёни ва уни замонавий дарс ўқиш усуллари билан қиёслаш

Ҳозирги кунда бутун дунё мутахассислари анъанавий педагогикани танқид қилишда ҳамжиҳатдирлар. Замонавий ўқитишда ҳанўз умумий тушунчалар, қоида ва қонуниятлар ўрганиладиган «Билимли» ёндошув устивордир. Ўқитувчиларни реал дунё объектлари билан ишлаши ҳажми ва мазмуни жиҳатидан жуда кам. Етакчи таълим соҳаларини ўргани одатда ўқув маълумотларини катта ҳажмини ўзлаштириш билан чекланади. Ўқув дастурлари, қўлланмалари, ундан ҳам кўпроқ бевосита ўқитиш амалиётида реал дунё тегишли тушунчаларни ўрганиш билан алмашинади.

Ўқитишда анъанавий ёндошишнинг асосий тавсифларини кўриб чиқамиз:

- қўлланиши-билимларни узатиш ва мавжуд маданият, ижтимоий тажриба, ижтимоий тизимни қўллаб қуватлаш;
- тури-давлат манфаатига қаратилган;
- тавсифи-репродуктив;
- ўқитишни ташкил қилиш-касби фаолият ва касбий тайёргарликни таъминлаш, янги ижтимоий-маданий тажрибани ўзлаштириш мақсадида;
- ўқитишнинг мазмуни-классик, предметли, технократик;
- ўқитувчининг роли-билимлар узатувчиси, ўрганилаётган материални ўзлаштириш мақсадида тузилган ўқув жараёнини ташкилотчиси;
- анъанавий ўқитиш тушунчаси педагогика бўйича адабиётларда албатта янги, исталган ўқитиш усулларида зид қўйиш мақсадида 10 йиллар давомида учрайди.

Бунда анъанавий ўқитишнинг одатдаги тавсифи бизда ҳам хорижий педагогикада ҳам қуйидаги асосий аломатлар билан тавсифланади:

- янги материални деярли ҳаммаси ўқитувчи томонидан оғзаки баён этилади;
- дарслик асосан мустақил иш учун қўлланилади;
- аудитория машғулотлари пайтида дарсликлар айрим ҳолларда педагог тушунтиришларидан ўқвчилар диққатини бузмаслик мақсадида қўлланилмайди;
- кўпинча дарслик уйда ҳам қўлланилмайди: унинг ўрнига дарс пайтида тузилган конспект босади;
- билимларни текшириш асосан машғулот вақтини сезиларли қисмини эғалайдиган шахсий оғзаки сўровлари ҳамда узоқ муддатларда ўтказиладиган назорат ишлари ёрдамида амалга оширилади. Охирги йиллада объектив тестлар ҳам кенг тарқалди;
- машғулотлар пайтида аксарият ҳолларда ишнинг фронтал усули қўлланилади, мустақил ишнинг нисбий миқдори жуда кам.

Ўқитишни бундай тизимини энг жиддий камчилиги-талабаларни машғулотлардаги пасивлиги ва бундан келиб чиқадиган унинг паст самараси. Айрим ўқувчиларнинг фаоллик даражаси жуда ҳам паст.

Ўқитишда анъанавий ёндошувлар қаторига одатда қуйидаги усуллари киритадилар:

- тушунтирувчи-тасвирий (Информацион-рецептив, информацион-билдирувчи);
- репродуктив усул.

Информацион-рецептив усулни моҳияти унинг қуйидаги аломатлари билан тавсифланади:

- билимлар талабаларга «тайёр» ҳолда тақдим этилади;
- ўқитувчи турли йўллар билан бу билимлар қабул қилинишини ташкил қилади;
- ўқувчилар билимларни қабул қиладилар ва уларнинг маъносига етадилар, ўз хотираларида сақлаб қоладилар.

Таълимнинг репродуктив усулида қуйидаги аломатлар алоҳида ажралиб туради:

- ўқитувчи билимларни «Тайёр» ҳолда фақат баён қилиш билан чекланамасдан уларни тушинтиради ҳам;

- ўқувчилар билимларни тушиниб ўзлаштирадilar. Ўзлаштиришнинг мезони-олган билимларни тўғри тиклаш дир;

- ўзлаштиришни мустаҳкамлиги информацияни кўп марта қайтариш йўли орқали таъминланади.

Айтиб ўтилган усулларни унуми пастлигидан ташқари ўқувчиларни тайёргарлигида куйидаги камчиликлар қайд қилинади: илмий билишни ишонишдан ажрата олмаслик, билим ва ҳақиқат орасидаги муносабатларни тушунмаслик, илмий информациялар турли тоифалари; фактлар, гипотезалар, қонунлар ва тамойиллар, моделлар, назарий хулосаларо ва тажриба натижаларининг ишончлилиқ даражасини ажрата олмаслик; назарий тушунтириш, башорат қилиш, олдиндан кўра билиш орқали фикр юритиш бўйича кўникмаларни йўқлиги.

2.5. Автомобиллар тузилиши фанини ўқитишда инновацион технологиялар

1. Таълим жараёнларини самарадорлигини ошириш учун қўлланиладиган инновацион технологиялар ва уларнинг таҳлили.

2. Ўқитиш технологиялари тизим сифатида.

3. Касб таълими курсини ўқитиш жараёнида янги инновацион илғор технологияларнинг роли.

1.Таълим жараёнларини самарадорлигини ошириш учун қўлланиладиган инновацион технологиялар ва уларнинг таҳлили.

Инновация бирор янги нарсани, янги тартиб қондани киритишни англатади. Янгилик кўпинча янги методлар, воситалар, янги концепциялар, янги ўқув дастурлари киритишни ҳамда қўлланишга хосдир.

Инновациянинг турли таърифлари мавжуд: инновация (лотинча иноватис)-бу янгилик, янги тартиб қоида, ўзгариш деган маънони англатади.

Янгилик ва ўзгариш?

Юнеско ҳужжатларидан бирида «... Янгилик албатта янги бўлиши шарт эмас, бироқ у албатта нимаси биландир яхшироқ ва ўз-ўзидан намоён этилиши мумкин бўлади»-деб кўрсатилган.

Инновацион муаммолари билан боғлиқ бир қатор тадқиқотларда ўзгаришлар янгилик бўлиши, бироқ ҳар доим бутунлай янги ғоялар ёки шакллар бўлмаслик мумкинлиги фарз қилинади.

Шундай қилиб, инновация тушунчаси орқали ўқув - тарбия жараёнини яхшилаш ва такомиллаштиришга ёъналтирилган дидактик, методик, ташкилий-техник ўзгаришларни тушунамиз.

Педагогикада инновацион муаммоларни ҳал этишда ўқитувчининг ижодий фаолияти энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. (енг зарур педагогик техникани эгаллаш, таркибий қисмлари).

Инновацион фаолиятининг назарий омиллари

Инновация (инглизча инноватион) - янгилик киритиш, янгиликдир.

Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни куйидаги босқичларни қамраб олади:

1.Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.

2.Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.

3. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи.

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.

5.Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини ёъқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

3. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

4. В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ ёъналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Хусусий янгилик В.А. Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда туттади.

Мураккаб ва прогрессив янгилашга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндисини шартли янгилик ҳисобланади.

Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонунияти фарқланади:

1. Педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;
2. Ниҳоят амалга ошиш қонуни;
3. Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;
4. Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни;

Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.

Креативлик термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

- фикрининг раволиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ ёллаш олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- ҳаёл қила олиш, фантастлик (фантазия.)

Рефлексия (лотинча Рефлхио - ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари.

Инновационлик педагогик жараёнини ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва рухий қиёфасига ҳам тааллуқлидир.

Инновационлик очиқликни, бошқалар фикрининг тан олинишини билдиради.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти турли хилдаги қарашларнинг тўқнашуви ва ўзаро бойитилиши динамикасида амалга ошишини кўзда тутди.

Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсунуш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади.


Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий мактаб ўқув жараёнини замонавий педагогика ҳамда психология фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

2.6. Инновацион таълим технологиясини жорий этишда билим олишнинг интеллектуал ресурслари

Интеллектуал ўқитиш тизими таълим олувчиларни фаоллаштириш ва мувофиқлаштириш, топшириқларни тақсимлаш, кузатиш, ёрдам кўрсатиш ҳамда улар билан мулоқотни индивидуаллаштириш ҳамда дифференциаллаштиришга қаратилган ахборот муҳитини яратиш, мул тимедиа технологияларини қўллаш орқали билим олишга қизиқишни орттириш, ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва ўқув материалларини ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, реал ҳолатларда намоиш қилиниши мураккаб бўлган жараёнларни моделлаштириш ва кузатиш имкониятини яратиш, касбий кўникма ва малакаларини ривожлантиришда ўқув тренажери функциясини бажариш имкониятларини яратадиган таълим ресурсларини ўз ичига олади.

Матнли материаллар. Назарий машғулотларни ташкил этишнинг матнли қисми энг салмоқли ўринни эгаллайди. Одатда, ўқув дастурига мувофиқ асосий ўқув материаллари матнли шаклда яратилиб, шундан сўнг уларга қўшимча равишда аудио ҳамда видео материаллар ишлаб чиқилади. Ўқув материалларининг бу тахлитда тақдим этилиши анъанавий лекцияларнинг бир қатор камчиликлар (зарур ўринларни кўчириб олиш, қайд қилиш, маърузачи томонидан уни қайта-қайта такрорлашга ортқча вақт сарфланиши)ни бартараф этилишини таъминлайди.



2.1-расм. Интеллектуал таълим ресурслари қуйидаги шаклларда ишлаб чиқилади:

Аудио материаллар. Бу турдаги аудиоматериаллар коммуникация технологияларидан фойдаланиб тарқатилади.

Видео материаллар синхрон ҳамда асинхрон тартибда узатилади. Видео материалларини синхрон тартибда, тўғридан-тўғри узатилиши педагог ва таълим олувчининг бевосита мулоқотини таъминлайди, анъанавий маърузаларга хос барча ижобий жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради, педагог ва таълим олувчилар бир-бирини реал вақтда кўриб ва эшитиб туришини таъминлайди.

Анимацион маърузалар Таълим олувчиларга интерактив тузилишга эга бўлган ўргатувчи комп ютер дастурлари орқали етказилади. Анимацион маърузалар мул тимедиа технологиясидан фойдаланиб шакллантирилади. Бунда ҳар бир таълим олувчи ўзининг психофизиологик хусусиятидан келиб чиқиб, анимацион маърузадаги траекторияси, ўзлаштириш суръати ва ўрганиш усулини танлайди. Амалий машғулотлар комп ютер технологияларининг замонавий ютуқларини мужассамлаштирувчи тренажерлар, виртуал реаллик асосида ўқитиш воситалари, эксперт ўргатувчи тизимларга асосланади.

Электрон маълумотнома. Бунга асосан электрон маслаҳат берувчи маълумотномалар киради. Бундай маслаҳатлар ўзлаштирилиши мураккаб бўлган мавзуларга дуч келинганда; амалий машғулотларни бажаришда қутилмаган саволларга жавоб топишда; янги материалларни тақдим этишда; мутахассислар билан мулоқот қилишда амалга оширилади.

Билимлар банки – ўз таркибига ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, комп ютер мул тимедиа ўргатувчи тизимлар, аудио ва видео ўқув-ахборот материаллари, луғат ва маълумотномаларни электрон версияларини мужассамлаштиради. Бундай электрон ресурслар мажмуаси бир қатор афзалликларга эга:

электрон ресурслардаги маълумотларни тез қидириб топиш, уларни системали жойлашуви, материалларни кўргазмалилиги, келтирилган материаллар доирасини кенглиги ва қўшимча маълумотларга бўлган мурожаат мавжудлиги, материалларни ихчамлиги, материалларни етказиш усулини осонлиги ва тезлигини юқорилиги кабилар.

Электрон тренажерлар. Бу назариядан амалиётга ўтганда тўғри жавобга ёъл ёъриқлар кўрсатадиган таълим шароитини ишлаб чиқариш вазиятига яқинлаштириш имкониятини берадиган қурилма.

Ўзлаштиришни баҳолаш воситалари ва материаллар. Таълим олувчилар тайёргарлик сифатининг комп ютер технологиялари асосида аниқлаш имкониятини яратади. Буларга турли мураккаблик даражаси га эга бўлган тестлар киради.

2.7. Рул бошқармаси бўйича дарс материали

1. Рул бoшқармасининг вазифаси, турлари, тuzилиши ва ишласхи.
2. Рул мexанизмининг вазифаси, турлари, тuzилиши ва ишласхи.
3. Рул yуритмасининг вазифаси, турлари, тuzилиши ва ишласхи.
4. Рул yуритмасининг гидравлик кучayтиргичининг вазифаси, турлари, тuzилиши ва ишласхи.
5. Гидрокучayтиргичи ажратилган рул мexанизмининг тuzилиши ва ишласхи.


Аvtомобиль ҳаракатланayотганда унинг yo'nalishини oldingi г'ildirакларни буриб o'zгартiriladi. Бу вазифани *Рул бoшқармаси* bajaradi.

Аvtомобиль бурilayотганда унинг barchа г'ildirаклари yonga sirпанмасдан г'ildirashi uchun bir nuqtada chizilgan aylanalar bo'yicha ҳаракатланishi lozim (14.1 rasm). Бу nuqtani (o) *burilish markazi* deb ataladi.

Г'ildirакларнинг bitta burilish markazi atrofida ҳаракатланishi бoшқарилувчи г'ildirакларни har xil burchakka буриб та'minlanadi. Bunda ichki бoшқарилувчи г'ildirакнинг бурilish burchagi (θ_1) tashqi г'ildirакники (θ_T) dan katta bo'ladi. Бу burchaklar orasidagi munosabat quyidagicha:

$$\operatorname{ctg} \theta_m = \operatorname{ctg} \theta_u + \frac{B}{L}$$

бу yerда V – бурilish tsapфalarининг o'qi orasidagi masоfa, L – avtomobilъ bazasi.




2.2-rasm. Avtomobilning burilish sxemasi va rul trapetsiyasi
 R_1 va R_T - бoшқарилувчи г'ildirакларнинг бурilish radiuslari,
 θ_1 va θ_T - бoшқарилувчи г'ildirакларнинг бурilish burchaklari.

Бoшқарилувчи г'ildirакларни bir vaqtda har xil burchaklarga Рул trapetsiyasi бурadi. Рул trapetsiyasi ko'ndalang Рул tortqisi 3, бурilish tsapфalarининг richagлари 2 va 4 hamda oldingi o'q 1 dan iborat. Avtomobilning minimal бурilish radiusи quyidagicha aniqlanadi:


Аvtомобильning бурilish radiusи kanchа kichik bo'lsa, унинг бурilа olish qobiliyati shunchа yaxshi bo'ladi. Рул бoшқармаси – Рул мexанизми билан Рул yуритмасидан tashkil topib, унинг umumiy sxemasi 2.3-rasmda ko'rsatilgan.

Rul mexanizmi-Rul mexanizmi boshqariluvchi g'ildiraklarning yengil burilishini ta'minlaydi. Boshqariluvchi g'ildiraklarning yengil burilishi Rul mexanizmining uzatish soniga bogliq, qancha katta bo'lsa boshqariluvchi g'ildiraklarning burilishi ham shuncha yengil bo'ladi. Lekin uzatish sonining kattaligi o'z navbatida, boshqariluvchi g'ildiraklarni burish uchun sarflanadigan vaqtni uzaytiradi. Bu hol, xozirgi zamon tez yurar avtomobillarini qisqa vaqtda burib ulgurishida qiyinchilik tug'diradi. SHu sababli Rul mexanizmining uzatish soni chegaralangan bo'lib, u yengil avtomobillarda 12...20 va yuk avtomobillarida 15...25.



1-rul chambaragi, 2-val, 3-chervyak, 4-sektor, 5-soshka, 6-bo'ylama rul tortqisi, 7-9-12-burish tsapfalarining richaglari, 8-shkvoren, 10-ko'ndalang rul tortqisi, 11-oldingi o'q, 13- burish tsapfasi.

Rul yuritmasi -rul yuritmasi soshkadan berilgan kuchni boshqariluvchi g'ildiraklarning tsapfalariga uzatadi (2.4-rasm). Yuritma detallari shunday ulanishi kerakki, boshqariluvchi g'ildiraklarni burganda richag va tortqilar bir-biriga nisbatan birikmalarda turli tomonga yengil og'ishi, va shuningdek, ular o'z birikmalaridan zarur miqdordagi kuchni uzata olishi lozim. Buning uchun Rul yuritmasining detallari bir-biri bilan sharnirli ravishda, dumaloq kallakli barmoqlar vositasida biriktiriladi.



ЗИТ-130 автомобил
руль тортиқларининг шарнирли
бирикмаси:

а-бўйлама руль тортқисы, 6-хўндадан руль тортқиси: 1-гайка, 2 ва 17-шүрле бармоқлар, 3 ва 12-салыңқлар, 4 ва 13-пробкалар, 5 ва 15-сүхүрлер, 6, 14 ва 19-пужуи галар, 7-пужуиға чекзатқисы, 8 ва 18-модонлар, 9 ва 12-тортқисың аўтонлашған учлары, 11-бўйлама руль тортқисы, 13-бұриш қаңғысы ричағы, 16-хўндадан руль тортқисы учлыклари

15

aylanma harakatini reykaning ilgarilama qaytma harakatiga aylantiradi. Reyka yonida joylashgan sharnirli tortqi yordamida boshqariluvchi g'ildiraklarni buradi.

Rul boshqarmasi gidrokuchaytirgichga ega bo'lib, u rotorli gidravlik taqsimlagichga ega va magistrallarda moy yurishini boshqaradi. Rul chambaragi u yoki bu tomonga burilganda gidravlik taqsimlagich yuqori bosim magistralini gidrotsilindrning bir tomoniga, uning ikkinchi tomonini esa moy kaytish trubkasi bilan ulaydi. Gidrotsilindr porsheni tishli reykaning shtokiga maxkamlangan bo'lgani uchun, ortiqcha bosim ostida uni u yoki bu tomonga yurgizadi, natijada boshqariluvchi g'ildiraklar buriladi.

Agar kuchaytirgich ishlamay qolsa, Rul boshqarmasi vazifasini bajaraveradi. Gidrokuchaytirgich tizimida parrakli nasos ishlatilgan. Aytish joizki, gidrokuchaytirgich qismlari ta'mirlanmaydi, shuning uchun Rul mexanizmi bilan birga yangisiga almashtiriladi.

3.1. Рул бошқармаси мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологиясини қўллаш

3.1.1 Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади.


Интерактив методлар - бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ўқувчи - талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- Ўқувчи-талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмаслигига, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;
- Ўқувчи талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаш;
- Ўқувчи талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;
- Педагог ва ўқувчи талабанинг ҳамisha ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этилиши.

Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаётган ўқувчилар, илмий тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология-бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган техник воситалар, комп ютер, масофали ўқиш ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи-бу ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар-бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу, ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология-бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Ушбу фикримизни чизма ҳолатида қуйидагича ифодалаш мумкин:



Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, мақсадни амалга ошириш ва кафолатланган натижага эришиш, ҳам ўқитувчи, ҳам талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, метод, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ. Ўқитувчи ва талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган. Бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан натижага эришиш учун балким, комп ютер билан ишлаш лозимдир, балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар. Булар барчаси ўқитувчи ва талабага боғлиқ.

3.1.2. Технологик карта ўқув жараёнини лойиҳалаштиришнинг асоси.

Ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ўқитишнинг техник воситаларини, энг асосийси, талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик картасини тузиб олиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки дарснинг технологик картаси ҳар бир мавзу, ҳар-бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Бундай технологик картани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методларни билиши керак бўлади. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик картасига боғлиқ. Дарснинг технологик картасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, кўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик картанинг тузилиши ўқитувчини дарснинг кенгайтирилган конспектини ёзишдан ҳолос этади, чунки бундай картада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Қуйида биз «Автомобиллар тузилиши» фанидан «Рул бошқармаси» мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик картасини сизга ҳавола қиламиз.

Технологик картада таълим берувчи ва таълим олувчилар фаолияти (ўқув жараёни) босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик карта бўлажак мутахассисларнинг мустақил ишлашига ва таълим жараёнини назорат қилишга ёрдам беради.

Технологик карта мазмунини фаолият (технологик босқичлар) ташкил этади ва улар қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- таълим олувчиларга ўрганилиши керак бўлган мавзунини эълон қилиш. Унинг мантиқий-тузилмавий тартибини намойиш қилиш ва шарҳлаш. Янги материал билан таништириш;
- ўқув элементларини ўрганиш кетма-кетлиги ва усулларини баён қилиш;
- таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар тўғрисида ахборот бериш;
- тестлар ва амалий топшириқларнинг вариантларини, уларни баҳолаш мезонларини тақдим этиш, яъни якуний назоратнинг «очиқлигини» таъминлаш;
- ўзлаштирилган билимларнинг таълим жараёнида ёки келгуси касбий фаолиятда қаерда керак бўлиши тўғрисида ахборот бериш.

Бу ҳолда «таълим берувчи-таълим олувчи» нинг ўзаро муносабатидаги муаммо ҳам ҳал этилади. Таълим олувчи таълим берувчининг тайёр билимлар билан қуроллантирадиган таъсир объектидан мустақил ўқув фаолиятининг субъектига айланади. У мустақил билим олишга ва ўзининг ўқув фаолиятини режалаштиришга, унинг натижаларига эришиш даражасини белгилашга қизиқтирилади.

Ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузилган юқоридаги каби технологик карта унга ўз фани, предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндошишга, тушунишга (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишга ёрдам беради. Айниқса, технологик картани талабанинг имконияти, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга имкон яратади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Ўқитиш жараёнида талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, масъулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогга ўзи танланган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамыз ва уларни ўтказиш тартиби ҳақида тўхталиб ўтамыз. Ушбу келтирилган замонавий методлар, ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглар талабаларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобат-бардош, етук мутахассис бўлишларига, ҳамда мутахассисларга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Мавзу	Рул бошқармаси
2.1. Ўқитишни модул технологияси	
<i>Дарсга ажратилган вақт 2 соат</i>	Талабалар сони: 20 дан 60 гача
<i>Дарс шакли</i>	Тематик маъруза - кўринишли
Маъруза режаси	1. Рул бошқармасининг вазифаси, турлари, тузилиши ва ишлаши. 2. Рул механизмнинг турлари, шакли, тузилиши ва ишлаши. 3. Rul yuritmasining vazifasi, turlari, tuzilishi va ishlashi 4. Rul yuritmasining gidravlik kuchaytirgichining vazifasi, turlari, tuzilishi va ishlashi. 5. Hidrokuchaytirgichi ajratilgan rul mexanizmining tuzilishi va ishlashi.
<i>Ўқув машғулотини мақсади:</i> Рул бошқармаси вазифаси, тузилиши, ишлаш принципи, турлари ва ишлатилиш соҳаси билан таништириш.	
<i>Педагогик мақсади:</i>	<i>Талабани ўқув фаолияти натижаси:</i>
• ўқув курсини мақсад ва вазифаларини ҳақида тушунчаларни шакллантириш, таркибий мантикий шакл асосида ўрганилаётган мавзунини тавсифлаш;	• ўқув курсини мақсади ва вазифалари бўйича билимларни мустаҳкамлаш; • таркибий мантикий шакл асосида ўрганилаётган мавзунини тавсифи бўйича топшириқ олади;
• Автомобилларни Рул бошқармасининг вазифаси турлари вазифаси ва турлари ҳақида маълумот беради	• Автомобилларни Рул бошқармасини вазифаси вазифаси ва турлари ҳақида маълумот билан танишдилади; • слайдлар асосида Рул механизмни вазифаси ва турларини ўрганади;
• Рул бошқармасини ишлаш принципи ҳақида маълумот берилади	• Слайдлар ёрдамида рул механизмининг ишлаш принципи
• Замонавий автомобилларни Rul yuritmamalari ҳақида маълумот берилади	• Слайдлар ёрдамида замонавий автомобилларни Rul yuritmamalari билан таништириш (7,8)
Rul yuritmasining gidravlik kuchaytirgichining vazifasi, turlari, tuzilishi va ishlashi ҳақида маълумот берилади	• Слайдлар Rul yuritmasining gidravlik kuchaytirgichining vazifasi, turlari, tuzilishi va ishlash принципи билан таништириш (9,10)
• Hidrokuchaytirgichi ajratilgan rul mexanizmining tuzilishi va ishlash принципи ҳақида маълумот берилади	• Слайдлар ёрдамида Hidrokuchaytirgichi ajratilgan rul mexanizmining tuzilishi va ishlash принципи билан таништириш
<i>Ўқитиш методи</i>	Маъруза -баҳс, суҳбат
<i>Ўқитиш шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Ўқитиш воситаси</i>	Ўқув қўлланма, проектор
<i>Ўқитиш шароити</i>	Аудитория, ЎТВ қўллашга мослама
<i>Мониторинг и баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

3.2. Рул бошқармаси мавзусига технологик харита

Ишнинг босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
Тайёрлов босқичи (5 минут)	1. Мавзу бўйича дарсни мазмунини тайёрлаш. 2. Иккинчи маъруза учун намоёиш слайдларини тайёрлаш. 3. Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш. 4. Ўқув курсида фойдаланиладиган адабиётлар руйхатини тузиш.	
1. Мавзуга кириш (10 минут)	1.1. Олдинги ўтган мавзу қисқача такрорлайди. 1.2. Мавзу номини экранга чиқаради ва тушинтириладиган мавзу бўйича олинган натижалар ҳақида маълумот беради.. 1.3. Мавзунини ёритиш бўйича режани намоёиш этади. 1.4. Бугунги мавзу баҳс шаклида ўтишини таъкидлайди. Баҳс қандай ташкил қилишини ҳақидаги эслатмани экранга чиқаради (Илова 1). 1.5. “Интеллектуал ҳужум” услуби билан талабалар фаоллаштирилади. Олдинги мавзу бўйича куйидаги саволларни таклиф қилади (ўқитувчи жавоблар 1-2 сўздан иборат бўлиши ҳақида эслатади). Осмалар қандай вазифани бажаради? Осмалар қандай қандай турларга бўлинади?	Эшитади. Берилган саволларга жавоб беради
2. Асосий босқич (55 минут)	2.1. Power Поинт дастури асосидаги слайдлар намоёиш этилади ва уларга шарҳ бериб асосий назарий аспектлар ёритиб берилади. 2.2. Схемалар ёрдамида сувга қўйиладиган асосий эксплуатация талаблар тушинтирилади (Илова 1-3).	Эшитади, Ёзиб боради
	2.3. Намоёиш қилиш жараёнида автомобилларни рул бошқармасини вазифаси ва тузилиши ҳақида маълумот берилади (Илова 4-6)	
	2.4. Слайдлар ёрдамида рул бошқармасини ишлаш принципи билан таништириш (7,8)	
	2.5. Слайдлар ёрдамида замонавий автомобилларни Рул yuritmasининг билан таништириш (9,10)	Берилган саволларга жавоб беради Эшитади, Ёзиб боради
	2.6. Рул yuritmasining gidravlik kuchaytirgichining vazifasi, turlari, tuzilishi va ishlashi ҳақида маълумот берилади (Илова 6)	
	2.7. Талабаларни фаоллаштириш ва билимини мустаҳкамлаш учун куйидаги саволлар берилади:	
	1. Рул бошқармаси вазифасини айтиб беринг. 2. Рул механизми тузилишини тушинтириб беринг. 3. Рул механизми қандай детал ва агрегатлардан ташкил топган? 4. Рул yuritmasining gidravlik kuchaytirgichining tuzilishi, ishlashi va qo'llanilishi 5. Gidrokuchaytirgichi ajratilgan rul mexanizmining tuzilishi va qo'llanilishi.	
3. Якуний босқич (10 минут)	3.1. Мавзунини умумлаштиради ва якуни ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг янги аспектларига қаратади. 3.2. Талабаларга мустақил мавзу бўйича топшириқлар беради (Илова 7).	Саволлар беради. Топшириқни ёзиб олади

3.3. Рул бошқармаси мавзусини ўқитишда дидактик ўйинли машғулотлар

Таҳлим жараёнида дидактик ўйинли технологиялар дидактик ўйинли дарс шаклида қўлланилади. Ушбу дарсларда талабаларнинг билим олиш жараёни ўйин фаолияти орқали ўйгунлаштирилади. Шу сабабли талабаларнинг таҳлим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан ўйгунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар деб аталади.

Инсон ҳаётида ўйин фаолияти орқали куйидаги вазифалар амалга оширилади:


- ўйин фаолияти орқали шахснинг ўқишга, меҳнатга бўлган қизиқиши ортади;
- ўйин давомида шахснинг мулоқотга киришиши яҳни, коммуникатив – мулоқот маданиятини эгаллаши учун ёрдам берилади;
- шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишига имкон яратилади;

- ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгиш ва мўлжални тўғри олиш кўникмаларининг таркиб топишига ёрдам беради;
- ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хулқ-атвори эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади;
- шахснинг ижобий фазилатларини шакллантиришга замин тайёрлайди;
- инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса, ижтимоий, маҳнавий-маданий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганишга эҳтибор қаратилади;
- ўйин иштирокчиларида жамоавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.


Дидактик ўйинли машғулотларни талабаларнинг билим олиш ва ўйин фаолиятининг уйғунлигига қараб: сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлар ўйини, конференциялар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.

Ўқитувчи-педагог аввал талабаларни индивидуал (якка тартибдаги), сўнгра гуруҳли ўйинларга тайёрлаш ва уни ўтказиши, ўйин муваффақиятли чиққандан сўнг эса, уларни оммавий ўйинларга тайёрлаш лозим. Чунки талабалар дидактик ўйинли машғулотларда фаол иштирок этишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари, бундан ташқари, гуруҳ жамоаси ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.

Дидактик ўйинли дарсларнинг турлари ва уларнинг мақсад ҳамда вазифалари



ЎЙИНЛИ ДАРСЛАРНИНГ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДАГИ ДИДАКТИК ФУНКЦИЯЛАРИ



Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари

Дидактик ўйинли машғулотлар	Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур машғулотдан фойдаланилади.	Машғулотларнинг дидактик функциялари	Талабанинг фаолияти
Сюжетли-ролли	Фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Махсус суюқликларни ишлаб чиқиш, уни олишда янги технологияларни яратиш, эксплуатацион хусусиятларини талаб даражасига келтириш.	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш
Ижодий ўйин	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш	Ижодий изланиш орқали янги мавзунини ўзлаштириш
Ишбилармонлар ўйини; Аукцион	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Рул бошқармасини вазифаси, тузилиши, ишлаш принципи ва қўлланилиши ҳақида кўникмалар ҳосил қилиш	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзунини ўзлаштириш
Конференция	Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш имконияти бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	«Олимлар» мақомини олиб, муайян мавзуларда изланишлар олиб бориш
Матбуот конференцияси	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш	«Олимлар» ва «Мухбирлар» мақомини олиб мавзунини ўзлаш-тириш

4. 1. Педагогик тажриба ва унинг натижалари

Наманган транспорт ва алоқа касб-хунар коллежида “Автомобиллар тузилиши” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда касб-хунар коллежларининг Автотранспорт бўлимида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш бўйича дастурлар, автомобиллар ва двигателларга ТХК фани бўйича намунавий ва ишчи дастурлар, маъруза, лаборатория ва ишлаб чиқариш таълимига оид материаллардан фойдаландик.

Тажриба-синов ишлари Автотранспорт бўлими йўналишининг 2-босқичи ўқувчилари билан олиб борилди.

Бажарилган ишларнинг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Такидловчи босқичда-илмий тадқиқот ишимиз материаллари асосида тажриба-синов ишларида қатнашувчи шахслар ва зкув муассасининг тайёргарлик даражаси аниқланади. Малакали ишчилар тайёрлаш бўйича ўқув режалар ва дастурлар ташкил этилди.
2. Тадқиқотни ўзгартирувчи-шакллантирувчи босқичида ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан бугунги кун талаби даражасида шакллантириш бўйича ўтказиладиган тажриба-синов ишлари учун зарур бўлган материаллар, кўрсатмалар ва чор-тадбирлар ишлаб чиқилди. Олинган натижалар умумлаштирилди суҳбат ва кузатишлар орқали ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантирилган даражаси аниқланди.
3. Ҳал қилувчи босқичда “Автомобиллар тузилиши” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг техник ҳамда касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган усуллар, воситалар ва методлар тажрибада синаб кўрилди, уларнинг самарадорлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда назорат ва тажриба гуруҳларига берилган материаллар бир ўқитувчи раҳбарлигида бир хил методика ёрдамида синаб кўрилди ва иккала гуруҳ ўқувчиларида шакллантирилган техник ҳамда касбий билим, кўникма ва малакалар фарқлари таққосланди.. тажриба-синов натижаларини олишда биз назорат ва тажриба гуруҳларида замонавий педагогик технологиялар асосида лаборатория амалий машғулотлар, маърузалар фаол ўқитиш усулларида фойдаландик.

“Автомобиллар тузилиши” фанидан ўқувчиларнинг техник малакаларини шакллантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларини натижаларини таққослаш учун “Автомобилларда ишлатиладиган ашёлар” фанидан назорат ишлари ва лаборатория амалий машғулотлар баҳоларини асос қилиб олинди.

4.1-жадвал

Ўтказилган тажриба-синов натижалари

Тартиб рақами	Гуруҳ	Ўқувчилар	Баҳолар				Ўртача баҳо
			5	4	3	2	
1	Назорат гуруҳи	24	5	8	9	2	3,67
1	Тажриба гуруҳи	24	14	7	3	-	4,46
Жами		102	19	15	12	2	4,07

Жадвалдаги натижалар таҳлили қуйидагича хулоса қилишга имкон берди::

А) Назорат гуруҳида маъруза ва амалий машғулотлар анъанавий усулда олиб борилган бўлиб, мавзулар ўқитувчи томонидан берилган. Шу сабабли ўқувчиларнинг ўзлаштириши юқори бўлмади.

Б) Тажриба гуруҳида маъруза ва амалий машғулотлар педагогик технологиялар, интерфаол стратегияларни қўллаш асосида ўтилди ва юқори натижаларга эришилди.

Олинган натижалар ушбу фанни ўқитишда интерфаол стратегиялардан фойдаланиш юқори самара бериши мумкинлигини кўрсатди.

5.1. Автомобилларни рул бошқармасига хизмат кўрстанишда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш

Ҳар қандай технологик жараёни тўғри ва муваффақиятли бажариш учун иш ўрнини илмий асосда тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Иш ўрни-ишлаб чиқариш сеҳи, автокорхонаси ёки автосервиснинг бир қисмини ташкил қилиб, бир ёки бир неча ишчиларга бириктирилади. Касб-хунар коллежларида эса лаборатория ёки ўқув амалиёти коллеж устахонасида ташкил этилиб гуруҳ гуруҳчаларга бўлиб ўтилади. Гуруҳ ва гуруҳчаларга сардор тайинланиб у иш ўрнига жавобгар бўлади.

Иш ўрни куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- иш ўрнига ўрнатилган дастгоҳнинг баландлиги ўқувчи учун қулай, иш бажаришни таъминлаш;
- асбоб-ускуналар жойлашиши қўл этадиган даражада қулай бўлиши;
- иш куруллари маълум тартибда ва бир жойда туриши, тоза, соз ҳолатда бўлиши;
- иш ўрнида ортиқча нарсалар бўлмаслиги;
- ишлаётган ўредмет билан ишчининг кўзи орасидаги масофа тахминан 450-550 мм бўлишига ҳаракат қилиш зарур.
- асбоб турадиган шкаф ва дастгоҳларда тортма қутилар бўлиши;
- иш ўрни бир меъёردа ёритилиши;
- хона ҳарорати меъёрдa бўлиши;
- иш ўрни озода ва тартибли бўлишига риоя қилиш.

Ишчи кийим (жомакор) ҳаво – буг ўтказадиган, ишчини ташқи муҳитнинг ноқулай таъсиридан асраши, ҳаракатга ҳалақит бермаслиги керак. Иш олдидан энгининг тугмалари қадалган, кийимнинг этаклари ёйилиб кетмаслиги, сочни бош кийим остига жойлаш зарур. Оёк кийим оёқдан чиқиб кетмайдиган, сиръанмайдиган ва оёқни ифлосланиш ҳамда жароҳатланишдан сақлай оладиган бўлиш керак.

Ишлаб чиқаришда юз берадиган жароҳатланишлар. Жароҳатланиш (грекча траума-яра) деб одам организмига ишлаб чиқариш омилларининг хавфли таъсири натижасида, яъни бахциз ходиса туфайли организм тўқималарининг жароҳатланиши ва ишлаш фаолиятини бузилишига айтилади. Улар беихтиёр (лат эйиш, кесиб олиш, синиш, чиқиш ва бошқ), кимёвий (кислота ва ишқорлар таъсирида куйиш), термик (одам организмига юқори ёки ʻаст ҳарорат таъсир этиб, куйиш, ёки совуқ уриши), электрдан куйиш, тўқ уриш ва бошқ. – психологик (қаттиқ ҳаяжонланиш, кўрқув ва бошқ) турларига бўлинади.

Жароҳатланиш натижасида одам иш қобилиятини вақтинчалик ёки доимий йўқотишга олиб келиши мумкин. Бунда ишчи умумий иш қобилиятини ёки касбий иш қобилиятини ёхуд иккаласини ҳам йўқотиши мумкин;

Ишлаб чиқаришдаги касалланишлар. Касбий ва умумий касалланишлар ноқулай иш шароитларидан келиб чиқиши мумкин. Касбий касалликлар зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан келиб чиқади (касбий зарарлар). Улар вақтинчалик, узоқ вақтгача ёки умуман иш қобилиятини йўқотишга (ногиронликка) олиб келиши мумкин.

Касб касалликларининг айрим ҳоллари касбий захарланиш деб ҳисобланади (ўткир ёки сурункали). Касб касалликларнинг этиологияси (келиб чиқиши) бўйича физикавий омиллар, чанг, кимёвий моддалар ва биологик омилларнинг одам организмга таъсир этишидир. Физикавий омиллар натижасида содир бўладиган касбий касалликларга қалтираш касаллиги киради ва у одам организмни титраши натижасида келиб чиқади. Одам организмга оғир жисмоний меҳнат, одам танасининг иш вақтида доимий эгилиб туриши таъсир кўрсатади. Совуқнинг таъсири натижасида бел оғриши-радикулит ʻайдо бўлади. Одам организмга чангнинг таъсир қилиши натижасида содир бўладиган касб касалликларига сурункали касбий ўъка фибрози, пневмокозиоз ва чанглардан узоқ вақт нафас олиш натижасида келиб чиқадиган касалликлар киради.

Кимёвий моддалар таъсири натижасида келиб чиқадиган касбий касалликларга сурункали ва ўткир захарланиш, ўткир ва сурункали тери касалликлари (дерматитлар ва экземалар), конъюнктивитлар ва бошқалар киради. Ноқулай иш шароитлари ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши, элвизаклар, намлик, нефт маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган чанг, кучли жисмоний зўриқиш, овқатланиш тартибининг бузилиши ва беморлар билан алоқада бўлиш вақтинчалик иш қобилиятини йўқотишга олиб келиши мумкин. Шунингдек, далада ишлайдиганлар ичида кенг тарқалган касалликлардан шамоллаш (21%), суяк мускул касаллиги (8,2% ва юрак-томир системаси (7,8%), овқат хазм қилиш аъзолари (6,8%) ва бошқалар. Умумий касаллик билан оғриш касбий касалликлардан анча кўъ. Иш вақтида касалланиш туфайли йўқотиладиган иш вақти, жароҳатланишлар сабабли йўқотилганга қараганда 30 баробар кўъдир.

Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касалланишларнинг барча сабабларини шартли равишда қуйидагиларга бирлаштириш мумкин: техник, ташкилий, санитар-гигиеник, психологик, иқтисодий ва ходимнинг айби билан юз берадиган касалликлар.

Техник сабаблар: ускуна ва мосламалари, тўсиқ қурилмалари, тормоз тизимининг ишламаслиги ёки носозлиги, гидравлик тизимнинг соз эмаслиги туфайли келиб чиқади.

Ташкилий сабаблар: иш жойларининг ускуна, мослама ва ёрдамчи асбоблар билан этарли таъминланмаганлиги, юк кўтариш воситаларида боғлаб қўйувчи мосламаларнинг йўқлиги, йўл-йўриқнинг ўз вақтида берилмаганлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ишларининг этарли олиб борилмаганлиги, меҳнат хавфсизлиги бўйича кўрсатмаларнинг йўқлиги, ишчиларнинг ўз вақтида махсус кийимлар билан таъминланмаганлиги, дам олиш ва меҳнат қилиш тартибининг бузилиши туфайли келиб чиқади.

Санитария – гигиеник сабаблар: иш жойида ноқулай микроклим (ҳарорат, ҳавонинг намлиги ва ҳаракат тезлиги параметрларининг иш шароитларига мувофиқ келмаслиги), ёритилганлик даражасининг талабларига жавоб бермаслиги, иш жойларининг бетартиблиги ва ифлослиги, маиший хоналарнинг (ечиниш, ювиниш – чўмилиш хоналари, хожатхона ва бошқ.) йўқлиги натижасида келиб чиқади.

Рухий ҳолат сабаби: ишнинг ҳамиша бир хиллиги, қаттиқ жисмоний меҳнат туфайли зўриқиш, киши организмга иш жойининг руҳий анатомик физиологик жиҳатдан мос келмаслиги, чарчаш, жамоатчилик орасидаги носўғлом муҳит туфайли келиб чиқади.

Иқтисодий сабаблар: меҳнат муҳофазаси масалаларига совуққонлик билан қараш, шунингдек, ойлик моашларини ўз вақтида бермаслик ва ишчиларнинг юқори иш унумига эришишга интилмаслиги, иш шароитларини яхшилаш тадбирларига этарли маблағ ажратилмаслиги туфайли келиб чиқади.

Ишчининг айби билан содир бўладиган бахциз ҳодисалар қаторига: ишчининг интизомсизлиги, ишга бетоб ёки маст ҳолда келиши киради.

Хавфсиз ва зарарсиз меҳнат шароитларига қуйидагилар киради: қулай технология, иш тартиби, ишлаб чиқариш воситаларидан тўғри фойдаланиш, қулай иш шароитлари, хом ашёлар, ярим маҳсулотлар, иш ўрнини тўғри ташкил қилиш ва яроқли жиҳозлар, химоя воситаларидан оқилона фойдаланиш, хавфсизлик талабларини бажариш, касбга қараб танлов ўтказиш ва ишчиларни ўқитиш, техник-меъёрий ҳужжатларга хавфсизлик воситаларини киритиш билан таъминланади.

Технологик жараёнларни тўғри лойиҳалаш, ташкил этиш ва ўтказишда хавфсиз ишлаш талаблари олдиндан назарга олинади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда зарарли таъсирларнинг олдини олиш, ишдаги ўёрация ва жараёнларни ўзгартириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда масофадан туриб бошқаришни қўллаш, гнѳодинамияга эътибор бериш, ишни оқилона ташкил этиш шу билан бир қаторда оғир меҳнатни чегаралашни ҳам ҳисобга олиш керак. Шунингдек ўз вақтида ишлаб чиқариш хавфсизликлари тўғрисидаги маълумотга, жараёни бошқариш ва назорат қилиш тизимида, ўз вақтида чиқиндиларни зарарлантиришга, чиқариб ташлаш хавф ва зарар туғдирадиган манбаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 21 декабрда 161-1 рақамли Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлади. Республикада меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонунда мустаҳкамланган. Ушбу қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар корхоналарда муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, снҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш ёрофилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Дам олиш ва иш жараёни тўғри такрорланиб туриши шикастланишлар олдини олишнинг бирдан бир асосий шартидир.

Кишининг иш қобилияти унинг сезгирлигига, ишлаб чиқаришдаги ҳар хил хавфли ва зарарли омилларга таъсирчанлигига, иш жараёнининг узлуксизлигига боғлиқ.

Агар киши кун мобайнида узлуксиз кўрсатилган вақтдан ортиқча ишласа, унда жисмоний чарчаш билан бир қаторда руҳий чарчаш ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бунинг устига ишчига узок вақт мобайнида жуда кўп қарорлар қабул қилиш ёки жуда кўп асбобларнинг кўрсаткичларига қараш тўғри келса, унда руҳий чарчаш жисмоний чарчашдан олдин келиши мумкин. Иш жойида шовқин, титраш, газ, чанг ва нурланишнинг бўлиши руҳий чарчашни тезлаштиради ва кишининг

нотўғри ҳаракат қилишига, шикастланишига ёки авария ҳолатига олиб қилиши мумкин. Шунинг учун ма`мурият иш ва дам олиш тартибига қатъиян риоя қилиши керак.

Меҳнат кодексининг 115-моддасига асосан ходим учун иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги керак. Я`ни иш тартиби ҳафтасига беш иш кунда икки дам олиш кунни ёки ҳафтасига олти иш кунда бир дам олиш кунни бўлиши керак. Иш вақтининг давом этиши (смена) олти иш кунлик иш ҳафтасида этти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Байрам кунлари (131-модда) арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади (121-модда). Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярим тунги вақтга тўғри келса, тунги иш муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади. Соат 22⁰⁰ дан то соат 6⁰⁰ гача бўлган вақт тунги вақт ҳисобланади (122-модда).

Республикамизда ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, уларни ишга жойлаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ўсмирларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар Ўзбекистон Конституцияси 239-моддасида қуйидагича қайд этилган.

Ўсмирлар доимий ишга 16 ёшдан қабул қилишга рухсат этилади, айрим ҳолларда 15 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумта`лим мактаблари, касб-хунар коллеж ўқувчиларини 14 ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан ўсмирларнинг соғлиғига ва камол тўйишига зиён этмайдиган ва та`лим олиш жараёнини бузмайдиган энгил ишларни, ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади. (77-модда).

16 дан 18 ёшгача ўсмирлар учун бир иш ҳафтасидаги иш соати 36 соат, 15-16 ёшда эса 24 соатгача қисқартилган. Ўқув йили мобайнида ишлайдиган ўқувчилар учун, 14 дан 16 ёшгача бўлганларга 2 соат, 16 дан 18 ёшгача бўлганларга 3 соат иш соати белгиланган (242-модда). 18 ёшга тўлмаган ўсмирларни иш вақтидан ташқари дам олиш кунлари ишга жалб қилиш мумкин эмас (245-модда). 16-18 ёшдаги ўсмирлар учун ташийдиган ва силжитадиган юкнинг оғирлиги ўғил болалар учун 13 кг, қизлар учун 7 кг дан ортиқ бўлмаслиги керак. Ўсмирлар учун узлуксиз ташийдиган ва силжитадиган юкнинг миқдори 4,1 кг дан кўъ бўлмаслиги лозим, 14-15 ёшдаги ўсмирлар учун эса меъёр 2 мартагача камайитирилади. (Сан К ва М Н 0052-96).

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан давлат назорати ва текширувини давлат органлари амалга оширади. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ме`ёр ва қоидаларига риоя этилишини жамоат текширувини касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари амалга оширади (223-модда).

Техник назорат – жамоа хўжаликлари ва техник хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамма ташкилотлардаги машина ва ускуналарнинг техник ҳолатининг шаҳар ва вилоят Давлат меҳнат техник инспекциялари орқали амалга оширилади.

Санитария назорати – республикамиз давлат санитария назорати ишлаб чиқаришда касалликларни камайитириш, ташқи муҳитни (сув ҳавзалари, туъроқ ва атмосфера ҳавоси) ифлосланишининг олдини олишга, меҳнат шароитини соғломлаштиришга йўналтирилган санитария гигиена, санитария-еъидимиологик чора-тадбирларини ўтказилишини назорат қилади, шунингдек, касалланишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг ўтказилишини текшириб туради.

Энергетика назорати – электр техник ҳолатини, уларга хизмат кўрсатишда хавфсизликни та`минлайдиган чора-тадбирлар ўтказилишини назорат қилиб туради.

Ёнғин назорати - унинг вазифасига, янги қурилаётган ва та`мирланаётган корхона, ташкилотлар ва аҳоли яшайдиган жойлар учун муҳандислик – техникавий ёнғинга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, ишлаб турган корхоналарда ёнғинга қарши пллрофилактика чора-тадбирларни ташкил қилиш, ёнғинни олдини олиш ва ўчиришга кенг жамоатчиликни жалб қилиш ишларини олиб бориш кирази.

Автомобил инспекцияси – ўзига қарашли вилоят, туман инспекторлари орқали автомобилларнинг, техник ҳолатини, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиб туради, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишга доир ьрофилактик ишларни олиб боради. Меҳнат техник инспекторлари текширув ўтказганида агар меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилганлиги ва натижада ишловчилар соғлиғига зарар этиши мумкинлиги аниқланган бўлса буйруқ бериш ёки иш хоналарини, айрим участка, станок ёки ускуналарда ишлашни тақиқлаб қуйишга ҳақлидир.

Корхона назорати – хўжаликда, шунингдек меҳнат муҳофазасига доир ишларни ташкил қилишда ва унга умумий раҳбарлик қилиш корхоналарда ўринбосарлардан бирига, жамоат хўжаликларида раҳбарлар зиммасига юклатилади.

Жамоат назорати – бу ишни меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси органлари томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакил томонидан текширилади.

Меҳнат гигиенаси ишлаб чиқариш муҳитини ва меҳнат жараёнини киши организмига таъсирини ўрганади ва уларнинг санитария-гигиена ҳолатларини яхшилаш бўйича тавсияномаларни ишлаб чиқади. Буларнинг ҳаммаси ишчиларнинг соғлиғига ва иш қobiliятини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш санитарияси - ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудларининг ҳолатини яхши сақлаш, санитария-ободонлаштириш, ишлаб чиқариш биноларини ва хоналарини, санитария-техник қурилмалари (ҳаво алмашиш, истиш, ёритиш), санитария-маиший хоналар қурилмалари, шахсий ҳимояланиш воситаларидан фойдланиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги заҳарланишларни ҳамда касб касалликларини олдини олиш, хизматчилар соғлигини муҳофаза қилиш, шунингдек меҳнатни илмий ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш эстетикаси билан боғлиқ бўлган гигиена чора-тадбирларини ишлаб чиқиш масалаларини ҳал қилади.

Шахсий гигиена тушунчаси - бу баданни тоза тутиш, ишлаганда шахсий гигиенага риоя қилиш, ўзи ишлайдиган жойни озода тутиш ва бошқалар. Шахсий гигиена қоидаларини бажариш фақат индивидуал эмас, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам боғлиқ бўлади. Агар ҳар бир одам шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаса у ўз оиласида ва ишлайдиган жамоада юқумли касалликларнинг тарқалишига сабабчи бўлиши мумкин.

Хулоса

Менга битирув малака иши сифатида Рул бошқармаси мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологиясини қўллаш (Автомобил тузилиши фани мисолида) мавзуси берилган. Битирув малака иши олди амалиётини Наманган давлатобод енгил саноат касб-хунар коллежида ўтказдим. Касб-хунар коллежи ўқув жараёнини таҳлил қилиб чиқилди.

Битирув малакавий ишини мавзусининг моҳиятидан келиб чиқиб фан ва мавзунини мутахассис тайёрлашдаги ўрни, аҳамияти ва унинг тавсифи, фанни ўзлаштирган ўқувчи қандай билим, малакага ва кўникмага эга бўлиши, фан бўйича олиб бориладиган дарс турлари ва уларни ҳажми, танлаб олинган мавзунинг аҳамияти ҳақида фикрлар юритилган. Бу мавзунини ўқишда автомобил тормоз системаси мавзусини ўқитиш методикасини ишлаб чиқишда асосий эътиборни инновацион таълим технологияларини дарс жараёнини тадбиқ этиш, дидактик материаллар, тавсия этиладиган адабиётлар, дарс жараёнини режалаштириш ва бошқа фанларда ўтиладиган мавзулар билан боғланишларига қаратилиб, мавзуда белгиланган таълимий, тарбиявий ва режалаштириш мақсадларига эришиш имкониятлари ёритиб берилади.

Битирув малака ишини умумий қисмида касб хунар коллежи, ва малка тавсифи, битирув малака иши мавзусини асослаш берилган.

Асосий қисмида фанни тавсифи, фанлараро боғланишлар мавзунинг услубий ва техник таъминоти анъанавий дарс ўқишни қисқача баёни, фанни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш, инновацион таълим технологиясини жорий этишда билим олишнинг интеллектуал ресурсларини қўллаш, дарс материали берилган.

Ўқитиш методикаси қисмида автомобил тормоз системаси мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологияларини қўлланилган.

Битирув малака ишини иқтисодий қисмида таклиф этилган услубни афзаллиги ва уни ўқувчиларни билимини оширишдаги самарадорлиги аниқланган.

Меҳнат муҳофазаси қисмида тажриба ва амалий машғулот хонаси учун хавфсизлик техникаси берилган.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati (Yangi betdan yozing)

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruzası.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 10 yanvardagi "Aholiga transport xizmat ko'rsatish hamda shaxarlar va qishloqlarda avtobuslarda yo'lovchilar tashish tizimini yanada takomillashtirish chora - tadbirlari to'g'risida"gi PK-2724 sonli qarori.
3. I.A.Karimov Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish - eng oliy saodatdir. T., "O'zbekiston" NMIU, 2015. -304b.
4. Karimov I.A. Jaxon moliyaiy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari. T.:O'zbekiston, 2009.-56 b.
5. Karimov I.A. Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyoti poydevori -T.1997 y.
6. Karimov I.A. SHu aziz Vatan barchamizniki. - T, O'zbekiston, 1997 y.
7. O'zbekiston Respublikasi «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni - T, O'zbekiston ovozi, 1997y 7 oktyabr.
8. Ishmuhamedov.R., Yuldashev.M. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar. Toshkent. Ofset bosma. 2013 y.
9. Ishmuhamedov R.J., M.Yuldashev. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar (ta'lim tizimi xodimlari, metodistlar, o'qituvchilar. tarbiyachi va murabbiylar uchu o'quv qo'llanma)-T.:2013.-279 b
10. M. Tojiev, B. Ziyamuxamedov va M.O'ralova. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat fanining o'quv mashg'ulotlarini loyihalash."Tafakkur bo'stoni", Toshkent, 2012 y.
11. Jumabaeva D., So'fixo'jaev N., Tursunov Z.M. «Talabalarning ijodiy fikrlashini rivojlantirish», Andijon, 2002 y.
12. Farberman B.L., Musina R.G., Jumaboeva F.A. Oliy o'quv yurtlarida o'qitishning zamonaviy usullari. Toshkent, 2002. 192 bet.
13. S. Qodirov Tiko avtomobilining tuzilishi va nosozliklarini aniqlash T. Istiqbol 2003.
14. O.Abdullaev. O'zbekiston ekologiyasi: bugun va ertaga. T, O'qituvchi., 2003.
15. S. Kuznetsov va boshqalar. Avtomobillarni texnik ekspluatatsiyasi SH.N. Magdiev tarjimai asosida.T, 2003
16. Musojonov M.Z. Avtotransport tarmog'i korxonalarini loyixalash.T., Fan, 2006, 232 b.
17. Xamraqulov O, Nazarqulov Yo.P., Magdiev SH.P. Avtomobillar servisi, Jizzax, 2007, 208 b.
18. Мусоҗонов М.З и др. Сервис современных атомобилей и предприятия автосервиса. Т.:ТАДИ, 2009, 37 с.
19. Ikramov M.A. va boshqalar. Avtotransport vositalari servisi., T., O'zbekiston,2010, 266 b.

Elektron resurslar

- 1.www.matlab.com
- 2.www.ref.uz
- 3.www.ziynet.uz
- 4.www.pedagog.uz
- 5.www.ziyo.edu.uz
- 6.www.istedod.uz
- 7.www.ayto.com
- 9.www.istedod.uz